
Ҳаяжонли дақиқалар яқинлашмоқда...

22 декабр 2019 йил. Соат тонгги 8-00га яқинлашмоқда. Бугун ҳар бир Ўзбекистонлик учун тарихий ва унутилмас кун. Бугун Республикамизда Олий Мажлис қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Қайд этиш лозим, ушбу сиёсий жараёнга вилоятимизнинг кенжа тумани - Сухда ҳам қизғин тайёргарлик кўрилди. Туманда 27 та сайлов ўтказувчи сайлов участкалари ташкил этилди. 426 сайлов участкаси тумanning марказида жойлашган. Участка сайлов комиссияси аъзолари тунги навбатчиликдан кейин ушбу сиёсий жараёнга ҳозирлик кўришмоқда. Ҳамминг кайфияти чоқ, чеҳраларда табассум мужассам... -"Чунки сайловлар биз учун байрам, Ватан байрамидир. Бу сиёсий жараённи кўтаринчилик билан ўтказиш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифамиз", - дейди сайлов участкаси раиси Санжар Ҳунов. Барча юртдошларимиз қаторида бу участкада 1597 нафар сайловчилар бўлиб, 36 нафарини биринчи бор овоз берувчи ёшлар ташкил этади. Азиз Ватандошлар! Барчангизни бугунги сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга чорлаймиз! Бизнинг сиёсий фаоллигимиз Ватанимиз келажакнинг гаровидир!

2019-12-24 13:07:53